



ХИНДИСТОННИ ЗАБТ ЭТИШ УЧУН КИЛГАН КЕНГАШИМ

Даставвал, фарзандларим ва амирларимнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш учун уларга маслахат солдим. Амирзода Пирмухаммад Жахонгир : «Агар Хиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз»,— деди. Амирзода Мухаммад Султон эса: «Хиндистонни оламиз-у, бироқ [бунга] тўсиклар бор: биринчиси — дарёлар, иккинчиси — ўрмону тўкайлар, учинчиси — тўлик қуролланган сипохийлар ва одамга ов қилувчи қутурган филлари кўп»,— деди. Амирзода Султон Хусайн: «Агар Хиндистонни кўлга кирита олсак, тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз»,— деди. Амирзода Шохрух деди: «Мен туркларнинг қонунларида ўқиган эдимки, жахонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улугворлигини ҳурматлаб номларини атамай лақаблари билан айтадилар Хинд подшосини — рой, Рум подшосини — кайсар, Хитой ва Чину Мочин подшосини — фағфур, Туркистон подшосини— хокон, Эрону Турон подшосини шаханшоҳ дейдилар. Шаханшоҳ ҳукми ҳамиша Хиндистон мамлакатларида жорий этиларди. Хозир Эрону Туронзамин бизнинг кўлимизда бўлгани учун, Хиндистонни ҳам фатх этмоғимиз лозимдир». Амирлар эса: «Борингки, Хиндистонни олдик ҳам дейлик. Бироқ у ерда тургун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз асладан ажраб, тиллари хиндча бўлиб кетади», дейишди. Мен бўлсам, Хиндистонга юриш учун ҳиммат камарини белга боғлаганимдан ўз азму жазмимдан воз кечишни истамадим ва шундай жавоб қилдим: «Тангри таолога ўтинч билан мурожаат қилайлик. Жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида Қуръондан фол очайлик, токи тангри таоло нени буюрса шунга амал қилгаймиз». Ҳаммалари менинг таклифимни маъқуллашди. Қуръони мажиддан фол очсам, ушбу улуг оят чиқди: «Эй пайгамбар, қофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилгил». Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб бергандан кейин, бошларини эгиб, жим бўлиб қолдилар. Уларнинг хомушлигидан дилим ранжиди. Ўз-ўзимга кенгашиб, Хиндистонни забт этишга розилик бермаётган амирларни мансабларидан олиб, кўшинларини қутволларига топширмакчи бўлдим. Лекин ўзим тарбиялаган кишилар бўлганликлари учун, уларни ҳароб қилишни истамадим. Гарчи улар юрагимни ҳар қанча қон қилган бўлсалар ҳам, улларга юмшоклик-мулойимлик қилдим. Лекин, охир-оқибатда менинг фикримга қўшилганларида, кўнглимда уларга нисбатан губор қолмади. Сўнгра қайтадан кенгаш чақириб, икболимиз хонаси -Хиндистонга қарата кўл кўтариб, зафару фатх фотихасини ўқидим.

ХИНДИСТОН ПОЙТАХТИ (ДЕХЛИ)ГА ЛАШКАР ТОРТИШ БОРАСИДА КИЛИНГАН КЕНГАШ

Кобулда ўттиз минг жавонгор отлик аскарлари билан турган амирзода Пирмухаммад Жахонгирга Сулаймон тоғи оркали юриб, Синд дарёсидан ўтгач, Мултон вилояти устига тўсатдан боскин килиб, уни забт этишни буюрдим. Султон Мухаммадхон, амирзода Рустам ва бошка амирларга ўттиз минг баронгор отлик билан Синд дарёсидан кечиб ўтиб, Кашмир тоғ этагидаги йўлдан юриб, Лохур вилоятига кўккисдан боскин килишни буюрдим. Ўзим ўттиз минг Гулнинг отлик аскарлари билан бўлдим.

Хиндистон юришига жамланган кўшинларим умумий сони тўксон икки минг отликка етган эди. Бу эса Аллохнинг срадаги элчиси Мухаммад, саллоллоху алайхи васаллам, исми шарифлари сонига тўғри келганлиги учун, бу [тасодифни истикболнинг хайрли ва муборак фоллари сирасига киритдим. Отланиб йўлга тушдим ва Бадахшон чегарасидаги Андароб деган жойга келиб тушдим. Бу ерда бир неча кун туриб Катур тоғида истикомат килиб турган кофирларни енгиб, жазо берганимдан сўнг, дор ул-харб бўлмиш Хиндистон газоватига юзландим.

ХИНДИСТОНГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛНИ АФГОНЛАРДАН ТОЗАЛАШ УЧУН КИЛИНГАН КЕНГАШ

Шу орада менга арз килдиларки, бир тўда афгонлар Хиндистонга олиб борадиган йўлга боскин килиб, у ерда карокчилик килаётган эканлар. Хусусан, булардан Каркас кабиласининг кадхудоси Мусо афгон хаддидан ошаётган экан. Менинг вафодор хизматкор ва тобеъларимдан бири бўлган Лашкаршоҳ афгонни Пирмухаммад Жахонгир Ироб калъасига сокчи килиб кўйган эди, Мусо афгон мазкур калъага от кўйиб, шиддат билан босиб борибди. Лашкаршоҳ афгонни ўлдириб, калъадагиларнинг бор-йўғини талаб кетибди. Шу вақтда [хузуримга] Лашкаршоҳнинг иниси Малик Мухаммад дод-фарёд уриб келди. У огасини ўлдирган Мусо афгоннинг жабру зулмидан шикоят килди. Мен бўлсам унинг сўзига кулок солмаган бўлиб, «хой инсон, Мусо афгон менга хайрхоҳлардан биридир»,— дедим ва уни камаб кўйишларини буюрдим. Амирларим мени ноҳак зулм ўтказди деб айбладилар.

Бирок бунинг аксича, Мусо афгон бўлса, Малик Мухаммаднинг хибсга олинганлиги хақидаги хабарни ва менинг айтган гапларимни эшитиб, кўнгли таскин топди. Шундан кейин, уни хузуримга келишини талаб килиб ёзган ёрлигимни олгач, хадиксирамасдан дархол етиб келиб, калъани менга пешкаш килди.

Мен у калъани тамошо килиш учун ичкарасига кирганимда, унинг (Мусо афгоннинг) сипохийларидан бири мени ўлдириш касдида ўк-ёй отди. Сўнг Мусо афгон ўзига яраша жазосини топди. Хиндистон йўли очилди.

ДЕХЛИ ХОКИМИ СУЛТОН МАХМУД Ҷ ВА МАЛЛУХОНЛАРНИ ЕНГИШ БОБИДАГИ КЕНГАШ

Султон Махмуд ва Маллухон эллик минг отлик ва пиёда аскар, 120 занжирбанд филлар билан Дехли калъасини мустахкамладилар ва мен билан жанг килишга шайландилар. Кўнглим хавотирланди. Бордию Дехли калъасини босиб олишга борсам-у, мабодо бу иш узок вақтга чўзилиб кетса, [нима киламан?] Ўзимга кенгашиб, ганим лашкари дадилланиб, [калъадан] чикиб, саф тортиб жанг майдонига кириши учун, ўзимни кучсиз ва [қўрқкандек] килиб кўрсатмокчи бўлдим. Шу сабабдан лашкардан узокрокда хандак қаздирдим. Лашкарим билан хандак ичига яхшилаб жойлашганимдан сўнг, лашкарларимнинг бир фавжини душманга қарши жангга ташладим. Душман қаршисига боргач, ўзларини кучсиз кўрсатиб, қўрққандай бўлиб чекинишларини ва ганимларни дадиллантириб келишни буюрдим. Душман лашкари бу ҳолни кўриб ўзларини голиб ҳисоблаб, гердаиб жанг майдонига чиккан эдиларки, [менинг] қаҳрли лашкарим фавжлари билан юзма-юз келдилар. Дехли ҳокими султон Махмуд жангга киришди ва енгилиб тоғ тарафга қочди. Бекиёс хазина ва мол-мулки сипохийларимга насиб бўлди. Бир йил ичида Хиндистон пойтахти Дехлини забт этдим ва мазкур йилнинг охирларида салтанатим пойтахти (Самарканд)га қайтдим.

ГУРЖИСТОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Хиндистондан зафар қозониб қайтганимдан кейин, хали сафар қарчоғи чикмай туриб, икки Ирок ҳокимларидан менга арзнома келди. Ёзишларича, Гуржистон қофирлари ҳадларидан ошиб, чегарани бузган эмишлар.

Мен ҳамиша подшолар учун қофирларга қарши газовот уруши қилишдан, мамлакатларни забт этишдан ва жаҳонгирликдан яхшироқ иш йўқ, деган фикрда эдим. Гуржистон имонсизларининг тугён кўтаргани ҳақидаги хабар келиши биланок кенгаш ўтказиб, «ўша диёрдаги бошқа бузук одамларнинг ҳам бош кўтаришига йўл очилмасин» деб, зудлик билан уларни дафъ қилишга тутиндим. Хинд юришидан келган сипохийларимга «хохловчилар шу ерда қолсин, хохловчилар мен билан борсин», деб ихтиёрни ўзларига бердим.

Хуросон, Қандаҳор, Сеистон, Кермон, Табаристон, Гилон, Мозандарон ва Форс вилоятларидаги лашкарларимга жанг ҳозирлигини кўриб, Исфаҳон атрофида келиб, менинг зафарли лашкаримга кўшилсинлар, деб ёрлиғлар жўнатдим.

Ҳар бир мамлакатдаги итоатдан бўйин товлочиларни турли ерларга тарқатиб юборишни маслаҳат кўрдим. Чунончи, Хуросон ва Форсдаги бўйинтовлочиларни Туронзаминга кўчирдим ва бу мамлакатларнинг сатхини уларнинг муҳолифлигидан тозалладим. Сўнг Гуржистон вилояти калъаларини забт этиш учун ўша мамлакат устига

отландим.

Сипохийларнинг кўнглига нима ўтирса, шуни килдим. Бошимга пўлат дубулга, эгнимга Довудий совут кийдим, белимга Миср киличини боглаб, баходирлигу кураш тахтига ўтирдим. Туронлик довьоракларга, Хуросон пахлавонларига, Гилон ва Мозандарон ботирларига кўркинч солдим ва Сивос хамда Гуржистон калъаларини фатх килдим. Калъадан туриб [каршилик кўрсатганларнинг] барчасини таг-томири билан битириб, калъадан олган ўлжаларни голиб аскарларимга улашдим. Озарбайжонлик бузук, бевош кишиларни урушиб, тартибга чакирдим.

Шундан кейин Малатия калъаси ва унинг теварагидаги ерларни забт этишга киришдим. Ўша калъаларни забт этишдан хотиржам бўлганимдан сўнг Халаб ва Хумсни забт этишга химмат камарини боғладим ва бир оз харакат билан бу мамлакатларни хам фатх этдим. Сўнг Миср ва Шом мамлакатларини забт этишга камар боғладим.

МИСР ВА ШОМ [МАМЛАКАТЛАРИ] НИ ФАТХ ЭТИШ БОБИДА КИЛГАН КЕНГАШИМ

Менинг шон-шавкат ва кудратим овозаси [Рум] кайсарининг кулогига етди. У ўзига карашли Сивос хамда Малатия калъалари ва уларга тобеъ ерларни забт этганим, калъалар ичидаги аскарларининг барисини таркатиб, теварак-атрофга сочиб ташлаганим хакидаги хабарни эшитгач, томирларидаги гайрат харакатга келди ва аскарим зарбасидан кочиб, кайсар қошида панох топган Кора Юсуф туркман игвоси билан устимга лашкар тортишга қарор килди. Кайсар балога гирифтор бўлиб, давлати вайрон бўлиши якинлашиб қолган эди, чунки у Кора Юсуфнинг игвосига учиб, менга қарши лашкар тортган эди. [Колаверса] Миср ва Шом аскарларини хам ёрдамга чакирган эди.

Мен кенгашиб лашкаримни уч фавжга бўлсам яхши бўлар дедим. Бирок жангда енгиш-енгилиш иши тақдир пардаси остида яширин бўлганлиги сабабли, бу тўғрида амирларим билан кенгаш ўтказдим. Улар сипохийларга хос ишни тутиб, уруш очмокни маслахат бердилар. [Шундай бўлса] хам мен кайсарнинг [гайрат] ўтини аччик-чучук гап билан сўндирмокни маслахат кўрдим ва кайсарга мактуб йўлладим. Хатнинг қисқача мазмуни шундай эди «Еру кўкни яратган Тангри таолога чексиз шукрлар бўлсинки, етти иқлим мамлакатларининг кўпини менинг фармонимга киргизди ва олам султонлари ва хокимлари менга эгилиб, итоат қилиш халқасини жон қулоқларига тақдилар. Ўз кадрини билиб, хаддидан ошмай жасорат оёқларини тийган бандасини Тангри ёрлақасин. Сенинг насли-насабинг ким эканлиги жахон халқи олдида маълумдир. Шундай экан, холингга муносиб иш тутиб, журъат оёгини олдинга кўймаки, ранжу меҳнат балчигига бртиб, бало чуқурига йикилгайсан. Иқбол эшигидан хайдалган бир тўда игвогар кишилар гаразли ишларини бажариш учун сенинг панохингдан жой олиб, ухлаб ётган Фитнани уйготмишлар. Яна ўшаларнинг игвоси билан офат ва бало эшигини давлатинг юзига очмагил. [Мазкур мактуб етиши билан] Кора Юсуфни менинг олдимга юборгил. Йўқ эса тақдир пардаси икки лашкар сафлари тўкнашганда юзингга очилгусидир».

Ушбу мактубни ишбилармон элчиларим билан кайсарга юборганимдан кейин Шом пойтахти (Дамашк)га бориб туришга қарор килдим. Хумс ва Халаб йўли орқали у ерга

равон бўлдим. Халаб шахрига етганимда Миср подшоси Малик Баркук ўгли Малик Фараж менинг Дамашкка келаётганимни эшитиб, шошинч билан Мисрдан Дамашкка қараб йўл олгани хақида хабар келтирдилар. Мен Миср ва Шом лашкарларининг қўшилишига йўл қўймаслик учун зудлик билан отланиб, олдинга юрдим. Лекин Малик Фараж абжирлик қилиб, мендан олдин Дамашкка етиб олди. [Шундай бўлса ҳам] мен унинг орқасидан шаҳарга етиб бордим ва Дамашкни забт этдим.

Давоми бор...